

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АҲМЕДОВ ИЖОД НАРЗИҚУЛ ЎҒЛИ

**МИЛЛИЙ ҒОЯ ШАКЛЛАНИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА АМАЛ
ҚИЛИШ ҚОНУНИЯТЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ФАЛСАФИЙ
ТАҲЛИЛИ (ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА)**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Ахмедов Ижод Нарзикул ўғли

Миллий ғоя шаклланиши, ривожланиши ва амал қилиш

қонуниятларининг ижтимоий фалсафий таҳлили (Ўзбекистон мисолида) 3

Ахмедов Ижод Нарзикул угли

Социально-философский анализ закономерностей формирования,

развития и действия национальной идеи (на примере Узбекистана) 21

Akhmedov Ijod Narzikul ugli

Socio-philosophical analysis of the concepts of the formation, development and

implementation of national imaginations (on the example of Uzbekistan) 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АҲМЕДОВ ИЖОД НАРЗИҚУЛ ЎҒЛИ

**МИЛЛИЙ ҒОЯ ШАКЛЛАНИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА АМАЛ
ҚИЛИШ ҚОНУНИЯТЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ФАЛСАФИЙ
ТАҲЛИЛИ (ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА)**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fal58 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абилов Ўрол Муродович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мухторов Азамат Мухторович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Негматова Шаҳзода Шухратовна
фалсафа фанлари доктори (DSc) доцент.

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт Академияси

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

С.К.Каримов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD), фалсафа ф.б.

С.А.Чориев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги турлича мақсад-манфаатларни ифода этувчи ҳар хил ғоя ва мафкуралар, бир бирига умуман зид бўлган сиёсий, диний тортишувлар, инсон қалбини эгаллашга бўлган уринишлар бугунги глобаллашув жараёнида ҳар қачонгидан ҳам шиддатли тус олмоқда. Ана шу ғоя ва мафкураларнинг асл моҳиятини, улар ўртасидаги ўхшаш ва фарқ қилувчи томонларини тезликда англаб етиш ҳозирги замоннинг энг муҳим талабларидан биридир. Бу талабларни бажаришда эса энг аввало, миллий ғояни инсонлар онгида тўғри шакллантириш ва уни амал қилиш қонуниятларининг илмий-назарий концепцияларини ишлаб чиқиш бугунги кунда муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

Жаҳон тарихий тараққиётдан маълумки, бугунги кунда дунёда кечаётган барча ижобий ёки салбий аҳамият касб этаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий жараёнлар у ёки бу давлатнинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда миллий ғоя байроғи остида олиб борилмоқда. Миллий ғояни ривожлантириш бўйича бу борада турли назариялар илгари сурилмоқда. Хусусан, миллий ғоя тарғиботи, миллий юксалиш тенденциялари, миллий ғоянинг конструктив таъсирини ошириш ва ҳақозо. Шу туфайли миллий ғоянинг жамият тараққиётига таъсир этишидаги детерменистик ёки индетерменистик алоқадорликларини, шунингдек диалектик ва сенергетик боғланишларини функционал жиҳатдан интеграллашиб боришини қонуниятли жараён сифатида тадқиқ қилиш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда миллий ғоянинг таъсирчанлигини янада кучайтириш, аҳолини, айниқса ёшларни миллий руҳда тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбига миллий ғояни сингдириш муҳим устувор вазифалардан ҳисобланиб, бу йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. “Ўзбекистонни технологик ривожлантириш... бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим”¹. Шу нуқтаи назардан, юртимизда миллий ғоянинг шаклланиши, ривожланиши ва амал қилиш қонуниятларининг назарий-фундаментал асосларини янада мустаҳкамлаш ҳамда тараққий эттириш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2019 йил 8 апрелдаги Ф-5465-сон “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиши, 2019 йил 3 майдаги

¹. Қаранг: Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. II жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. -116-бет.

“Маънавий – маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепсиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғоя, унинг моҳияти ва ривожланиш хусусиятлари каби масалалар жаҳон илм-фанида қадимдан ўрганиб келинган бўлса-да, ғоянинг алоҳида кўриниши – миллий ғоя, унинг моҳияти, вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишининг ўзига ҳос хусусиятлари каби масалалар асосан XX асрга келиб кенг тадқиқ этила бошланди. Ушбу соҳани ўрганган хориж олимлари қаторига K.Deutsch, E.Gellner, S.Hantigton, P.Burnstein, J.Ziolkowski¹, V.Bengtson, M.Riley, Elisabeth Noelle-Neumann, МДХ олимларидан В.А.Жилина², В.С.Барулин, В.А.Беляев, Н.А.Бердяев, А.В.Осипова, И.Б.Сесюнина, Ю.П.Евдокимова ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу олимлар ўз илмий тадқиқотларида ғоя ва унинг жамият аъзолари дунёқарашига таъсири, идеологик ва диний таъсир механизмлари ҳамда хусусиятлари тўғрисида маълумотлар беришган.

Ҳозирги даврда миллий ғоянинг ижтимоий моҳияти, жамиятнинг маънавий қиёфаси ва унинг ижтимоий муҳитга таъсири, ҳар бир миллат ва инсон эҳтиёжи, ҳаётий талаблари билан боғлиқлик хусусиятларини ўрганиш ва уни тизимли тарзда шакллантириш, ривожлантириш борасида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур йўналишда М.Абдуллаева, Ў.Абиллов, И.Каримов, Ш.О.Мадаева, А.Мухторов, Қ.Назаров, И.Эргашев³, И.Саифназаров, Б.Тўраев, Э.Юсупов, Ж.Яхшиликов, Н.Мухаммадиев⁴, Б.Мамарасулов каби олимларнинг изланишларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бироқ юқорида эслатиб ўтилган асарларда миллий ғоянинг шаклланиши, ривожланиши ва амал қилиши қонуниятлари ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

¹ Janusz Ziolkowski. Democracy, public opinion and the media//Pontifical Academy of Social Sciences, Acta 6, Vatican City 2001. p.178.

² Жилина В.А. Идеология: новый взгляд. – Новосибирск. ЦРНС,2009 – 162с.

³ Қ.Назаров, И.Эргашев ва бошқалар. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти.–Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2007. –Б. 433.

⁴ Яхшиликов Ж.Я., Мухаммадиев Н.Э. Миллий ғоя – тараққиёт стратегияси. Тошкент: “Фан”, 2017. – 424 б.

Диссертация мавзуси Жиззах давлат педагогика институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2018-2020 йилларда бажарилган «Глобаллашув шароитида жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнидаги маънавий ахлоқий кадриятлар ривожини тадқиқ қилиш» мавзудаги ПЗ-20170930396 рақамли амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда миллий ғоянинг шаклланиш, ривожланиш ва амал қилиш қонуниятларини ўрганишнинг жамият ҳаёти ва истиқболи учун муҳим аҳамиятини ижтимоий-фалсафий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мафкура ва фалсафий методологиянинг ўзаро алоқадорликлари тизимида «қонуният» категориясининг ўрнини ўрганиш;

жамият мавжудлигининг корреляцион – функционал ва субстанционал қонунларининг миллий ғоя билан алоқадорликларини асослаш;

жамият ривожланиши ва миллий ғоянинг ўзаро алоқадорликларини ёритиш;

миллий ғояда турли манфаатлар уйғунликларининг қонуниятлилигини кўрсатиш ва мамлакат манфаати ва миллий ғоянинг тизим сифатида шаклланишининг субстанционал компонентларини аниқлаш;

миллий ғоянинг мамлакат моддий-иқтисодий, сиёсий – ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида амал қилиши қонуниятларини кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объекти миллий ғоянинг шаклланиш, ривожланиш ва амал қилиш қонуниятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда миллий ғоянинг шаклланиш, ривожланиш ва амал қилиш қонуниятларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан илмий асослаш билан белгиланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг индукция ва дедукция, анализ ва синтез, тарихийлик ва мантиқийлик, умумлаштириш каби усуллардан самарали фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миллий ғоя шаклланиши ва амал қилиши қонуниятларининг бугунги кундаги рақобатбардош кадрларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ўзига хос хусусиятлари мантиқий жиҳатдан асосланган;

миллий ғоянинг система ташкил этувчи субстанционал компонентлари тизимлаштирилиб, уларнинг синергетик характерлари, жамиятнинг соҳалари (моддий, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий) билан боғлиқ қонуниятли алоқадорликлари очиқ берилган;

миллий ғоянинг субстанционал қонунияти (жамият ғоянинг субстанцияси, ғоянинг эса ана шу субстанциянинг маънавий инъикоси эканлиги) ижтимоий соҳани янада ривожлантиришининг қонуний жараён сифатида алоқадорлиги аниқланган;

жамият мавжудлиги ва ривожланиш концепциясининг субстанционал қонунлари ва уларнинг синергетик ҳамда миллий характерларини

такомиллаштириш тўғрисидаги таълимот миллий ғоянинг ижтимоий – фалсафий негизи эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

мамлакатимиз аҳолисини янада жипслаштириш, уларни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ва мафкуравий иммунитетни оширишда миллий ғояни кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш, унинг таъсирчанлигини кучайтириш ҳақидаги концептуал қарашлар таҳлил қилинган;

миллий ғоянинг шаклланиши, ривожланиши ва амал қилиш қонуниятларини аниқлашдан келиб чиқиб, унинг таъсирчанлигини ошириш, ижтимоий аҳамиятини янада ривожлантириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

ишнинг натижаларидан давлат органлари ва соҳага доир ташкилотлар дастурлари ва режаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференциялар материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолаларда берилган хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, “Миллий ғоя тарихи ва назарияси”, “Миллий ғоя ва ҳаракатлар стратегияси” ва “Фалсафа” фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишда ҳамда такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, унинг натижалари асосида берилган таклифлар ва амалий тавсиялардан миллий ғоя таъсирчанлигини ошириш, ёшларда мафкуравий иммунитетни кучайтириш ҳамда аҳолини мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда, дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мамлакатимиз ҳаётида миллий ғоянинг шаклланиши ва амал қилиш қонуниятларини тадқиқ этиш асосида:

“миллий ғоя шаклланиши ва амал қилиши”, “миллий ғоянинг қонуниятлари” тушунчалари, таърифлари, уларнинг ижтимоий – фалсафий моҳияти, умумметодологик асослари ва ўзига хос хусусиятларининг очиб берилиши, мамлакатимизнинг ривожланиш концепцияси, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш доир ғоя ва фикрларидан А.Ж.Холбеков раҳбарлигида 2018-2020 йилларда бажарилган ПЗ-20170930396 рақамли “Глобаллашув шароитида жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнидаги маънавий – ахлоқий қадриятлар ривожини тадқиқ қилиш” мавзусидаги амалий лойиҳа ижросини таъминлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 2019 йил 15

мартдаги 89-03-1038-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилган;

миллий ғоянинг система ташкил этувчи субстанционал компонентлари тизимлаштирилиб, уларнинг синергетик характерлари, жамиятнинг соҳалари (моддий, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий) билан боғлиқ қонуниятли алоқадорликлари очиб берилганлигига оид илмий ғоялари, тақлиф-тавсияларидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган “Энг юқори рейтингли тиббиёт олий таълим муассасаси, илмий тадқиқот институтлари ва илмий амалий марказлари” танлови тадбирлар сценарийсини ишлаб чиқишда ҳамда “Ёшларда тиббиёт соҳасига оид миллий кадриятларимизга хос тамойилларни кенг тарғиб қилиш”, “Ёшларни ахлоқий жиҳатдан ўзгартириш, бузилишга олиб келувчи турли “оммавий маданият” кўринишларига қарши миллий урф-одат, кадриятларни тарғиб қилиш”, “Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассасаларида маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш борасида 2018 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси” каби дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 19 февралдаги 8-9-5/245-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон фуқароларини турли ғоявий таҳдидлардан ҳимоялашни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, кишиларни, айниқса ёшларни миллий ғоя тамойилларига оид хусусиятларини шакллантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилган;

миллий ғоянинг субстанционал қонунияти (жамият ғоянинг субстанцияси, ғоянинг эса ана шу субстанциянинг маънавий инъикоси эканлиги) ижтимоий соҳани янада ривожлантиришининг қонуний жараён сифатида алоқадорлигига оид илмий асосланган тақлиф-тавсияларидан Жиззах вилоят “Истикбол” минтақавий тадқиқот маркази томонидан амалга оширилаётган “Жойларда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик назоратини кучайтириш” мавзусидаги 46-11/50 рақамли грант лойиҳасининг “Вилоятда аҳолининг ижтимоий муаммоларини ўрганиш ва тегишли хулосалар бериш борасида жойларда фуқаролар ўртасида социологик тадқиқот ўтказиш” деб номланган 8-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Жиззах вилояти “Истикбол” минтақавий тадқиқот марказининг 2019 йил 3 апрелдаги 12-сон маълумотномаси). Натижада, ижтимоий ҳаёт, маънавий-маърифий тарғибот жараёнларида миллий ижтимоий ғоялар орқали мақсад ва вазифалар тўлиқ ақс этишига, шунингдек аҳолининг, айниқса ёшларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларида муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

миллий характер шаклланиши ва такомиллашувига доир илмий асосланган тақлиф-тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган ПЗ-20170930396 шифрли “Глобаллашув шароитида жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнидаги

маънавий – ахлоқий қадриятлар ривожини тадқиқ қилиш” мавзусидаги амалий тадқиқотлар давлат грантлари лойиҳаси ижросини таъминлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва Маърифат Марказининг 2019 йил 20 февралдаги 02/09-195-19-сон маълумотномаси). Бу эса, Республика Маънавият ва маърифат маркази фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола (4 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 134 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот матнининг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва илмий янгилиги асосланган, илмий ишнинг мамлакатимиз фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, изланишлар жараёнида олинган натижаларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Миллий ғоя шаклланиши қонуниятли жараён сифатида”** деб номланган биринчи боби кўйидаги режаларни ўз ичига олади. 1.1 Миллий ғоя ва мафкура шаклланиш методологиясида қонуният категориясини ўрни, 1.2 Ўзбекистонда миллий ғоя шаклланишининг қонуният сифатидаги ижтимоий-фалсафий асослари. Уларда дастлаб “Миллий ғоя”, “мафкура” ва “қонуният” категориялари, уларнинг моҳияти, мазмуни ҳамда ижтимоий ондан мустаҳкам жой эгаллашининг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари таҳлил этилган. Миллий ғоянинг шаклланиши хусусиятларини илмий-фалсафий жиҳатдан ўрганишда шу пайтгача ижтимоий фанларда тўпланган илмий қараш ва назарияларни таҳлил этиш, тадқиқ этилаётган объектга доир масалалар қамровини аниқлаб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу бобда “Миллий ғоянинг шаклланиши” тушунчасининг фалсафий моҳияти ва ижтимоий хусусиятлари атрофлича таҳлил қилинган. Инсон ва умуман жамият ғояларсиз ва ғоялар тизимидан ташкил топган мафкурасиз

яшай олмайди. Ҳар бир инсон мақсадсиз яшай олмаганидек ва умуман жамиятнинг конкрет тарихий кўриниши – мамлакатлар ҳам мақсадсиз ва узоққа мўлжалланган стратегик режаларсиз яшай олмайди. Ушбу қонуниятга буйсунмаслик инсоннинг фаолиятининг бузилишига ва мамлакатнинг пароканда бўлишига олиб боради. Жамиятнинг мавжудлик ва ривожланиш қонунлари объектив қонунлар сифатида жамият ядроси – маданий борлиқнинг ички структуравий детерминацион боғланишларидан келиб чиқади. Миллий ғояни асослаш учун ва халқ, хусусан, миллий зиёлиларимизни демократик фуқаролик жамияти қуришда миллий ғоямизга эргаштириш учун жамият асоси – маданий борлиқдан келиб чиқадиган умумижтимоий қонунлар – корреляцион – функционал ва субстационал қонунлар тўғрисидаги билимлар билан ҳам қуроллантиришимиз зарур. Мафкура илмий аҳамият касб этиши учун фан ютуқларига таяниши лозим. Чунки фанлар ўрганадиган объектларда детерминантларнинг туб ички боғланишидан моҳият юз беради, моҳиятан эса қонунлар келиб чиқади ва қонуният -«табiiй – тарихий ривожланиш» юз беради. Ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳасига оид жараёнлар ушбу ижтимоий қонунлардан келиб чиқади. Қонун эса предмет ва ҳодисаларнинг зарурий, муҳим, умумий, асосий, нисбатан турғун, навбатдаги жараёнларни белгилаб келувчи боғланишлардир. «Қонуният» сўзи эса жараёнларнинг узвий кетма – кетлигини ҳам ифодалайди. Мафкуранинг ижтимоий онгнинг юқори қисми сифатида юзага келиши ҳам қонуниятлидир.

Тадқиқот ишимизнинг **“Миллий ғоя шаклланиши қонуниятли жараён сифатида”** номли боби бўйича қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Собиқ иттифоқ парчаланиб, совет халқи тарқалиб кетди, бу мамлакат ва бу тарихий бирликнинг мафкураси коммунистик мафкураси эса ўзини оқламади, унинг ижтимоий–фалсафий негизи – тарихий материализмнинг чекланганлиги маълум бўлиб қолди. «Миллий ғоя асосий тушунча ва тамойиллар» фани эса ижтимоий фалсафанинг давоми сифатида мамлакат манфаатларини интеграцион тарзда ифодалаб бериши керак. Аммо у ижтимоий воқеаликни тушунишнинг қайси турига таниши керак, деган масала муаммолигича қолмоқда. Бусиз миллий ғояларни ижтимоий фалсафий жиҳатдан тизимлаштириш қийин кечади.

2. Миллий ғоя мамлакат манфаатларини ифодаловчи илмий ғоялар мажмуи сифатида миллий иқтисодий ғоялар, миллий сиёсий ғоялар, миллий ҳуқуқий ғоялар, миллий ахлоқий ғоялар, миллий эстетик ғоялар, миллий фалсафий ғоялардан ташкил топган бўлиб, у қатор ижтимоий фанлар орқали ҳам берилади. Аммо унинг бир бутун тизим сифатида берилиши ижтимоий воқеаликни тушунишга асосланган мамлакатнинг ижтимоий фалсафаси сифатида давом эттиришга боғлиқдир. Шунинг учун «Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар» фани айни вақтда ижтимоий фалсафанинг давоми сифатидаги фан бўлиши, мамлакатнинг ижтимоий фалсафаси бўлиши керак. У фан бўлиши учун ўз фалсафий методологик асосларига эга бўлиши лозим.

Шундагина у ҳам бошқа гуманитар фанлар учун назарий манба ва гносеологик асос вазифасини, дастуриламал характерини, яъни дунёқарашлик ва методологик функцияларини ўтайди.

3. Методология фалсафий ва нофалсафий даражалардан иборат бўлиб, агар «Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар» фани фанлар ютуқлари ва ижтимоий амалиётга асослансагина, илмий фалсафий методологик аҳамият касб этиши мумкин. Бунинг учун эса бу фаннинг ижтимоий – фалсафий асосларини янглишишларга олиб борувчи тушунишлардан холи бўлиши керак.

Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий воқеаликни ижтимоий – фалсафий таҳлил қилишда учта йўналиш юзага келган. Биринчи йўналиш бўйича тадқиқот ишларида тарихни материалистик тушуниш тилга олинмаса–да, аммо унинг қоидаларига таянилмоқда. Тадқиқот ишларидаги иккинчи йўналишда тадқиқот объекти жамиятнинг умумий алоқадорликларидан ажралган ҳолда тор доирада, илмий билишнинг умумий методларидан ижтимоий воқеаликни қайси тушуниш доирасида фойдаланганлиги кўрсатилмасдан фойдаланилмоқда. Ижтимоий воқеаликни ижтимоий фалсафий таҳлил қилишнинг учинчи йўналиши Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримов билан боғлиқ ҳолда юзага келаётган тарихни диалектик маданий тушуниш билан боғлиқ ҳолда олиб борилмоқда.

4. Мафкура ижтимоий ғоялар мажмуи экан, улар ичида белгиловчиси ва тизимга солиб турувчиси фалсафий ғоялардир. Бугунги кунда фалсафа, хусусан ижтимоий фалсафанинг мавзуларини қайта кўриб чиқиш ва тизимлаштириш лозим. Ижтимоий фалсафанинг предметини ойдинлаштириб, «Маданият – жамият мавжудлиги ривожланишининг асоси» деган мавзуни биринчи ўринга қўйиб киритиш лозим. Сўнгра шу асосда жамиятнинг тузилиши ва унинг ривожланиши қонунлари тўғрисида фикр юритиш мумкин.

«Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар» фани ижтимоий фалсафанинг мамлакатимиздаги кўриниши ва давомидир. Бу фаннинг мавзуларини жамиятнинг тузилиши ва умумижтимоий қонунлари тўғрисидаги таълимотлар – ижтимоий онтология ва ижтимоий фалсафий диалектикага таянган ҳолда қайта тузиб, таҳрир қилиб чиқиш зарур.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Миллий ғоя шаклланиши, ривожланиши ва амал қилиши қонуниятларининг умумижтимоий қонуниятлар тизимидаги ўрни**” деб номланади. Ушбу боб қўйидаги қисмлардан ташкил топган. 2.1 Жамият структуравий детерминантларида миллий ғоянинг ўрни, 2.2 Жамият мавжудлигининг умумижтимоий қонуниятлари амалиётга миллий ғоянинг таъсири, 2.3 Миллатни диалектик маданий тушуниш ва миллий ғоя деб номланган. Бу бобда миллий ғоянинг детерминацион алоқадорликларда сабабият, синергетик жараёнлари ила зарурият, қонуният борлиги таҳлил этилган. Сабабият орқали биз миллий

ғояга хос ҳодиса—ю жараёнларнинг қонуниятли генетик боғланишларини аниқлаймиз. Мафкурада жамиятнинг структураси ва унинг детерминантларидан келиб чиқадиган қонуниятли жараёнлари акс эттириши керак. Мафкура турли хил шакллардаги ғоялар тизимидан иборат экан, бунда фалсафий ғоя ва мафкуралар дунёқараш ва демакки, методологик аҳамиятлари билан ажралиб туради.

Детерминизмда сабабий оқибатий боғланишлар, зарурий боғланишлар, имконият ҳолатидан воқеаликка айланишидан иборат қонуниятли боғланишлар бор. Детерминизм диалектиканинг таркибий қисми ҳисобланади. Диалектикада умумий алоқадорлик ва тараққиёт тўғрисидаги таълимотдир. Аммо бу боғланишларнинг моддий ташувчилари мавжуд. Жамиятда бу инсон ва унинг бирликлари, жамиятнинг моддий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий маданиятларидир. Уларнинг мавжудлик ҳолатлари барча ижтимоий алоқадорликларнинг негизи, яъни детерминантлари ҳисобланадилар. Миллий ғоя ва мафкурада, биринчидан, мамлакатнинг барча соҳалари структуравий детерминантлар сифатида акс этиши ва иккинчидан, бу акс эттириш жараёнида маданийлик белгиловчи, деган қоидага амал қилиниши лозим. Шундагина, ушбу ижтимоий фалсафий онтология асосида шаклланган миллий ғоя ва мафкура ҳар бир соҳа бўйича мамлакат аҳолиси манфаатларини тўғри акс эттира олади ва зарурий йўл – йўриқларни амалий фаолият учун бера олади. Демак, жамиятнинг тузилиши тўғрисидаги таълимот ҳам шакллантирилаётган миллий ғоямизнинг ижтимоий фалсафий онтологик асоси бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий фалсафий онтология, унда структуравий детерминантлар ўрганилар экан, ижтимоий фалсафий диалектика билан бир қаторда миллий ғояни асослашда баб – баробар қийматга эгадир. Ушбу бобда тадқиқот мавзудан келиб чиқиб қўйидаги фикрларни беришни лозим топдик:

1. Фалсафий билимлар миллий ғоянинг фалсафий асослари ва таркибий қисмлари экан, мамлакатимизда нашр этирилган «Фалсафа» фани бўйича дарсликларда «Борлиқ фалсафаси» мавзусида борлиқнинг структураси нотўғри берилган. «Ижтимоий борлиқ» ёки «Борлиқ» тушунчаларининг кенг ва тор маъноларда ишлатилишидаги фарқлар кўрсатилмаган.

2. Миллий ғоялар ва мафкура жамиятининг тўртта асосий томонлари ва уларнинг шахобчаларини ички ва ташқи боғланишлари ила акс эттириш керак. Акс эттирганда ҳам, уларнинг маданий томонларининг асос эканликларини эътибордан четда қолдириши назарий хатоликларига олиб боради. Маданият – бу инсон ва улар томонидан воқеаликнинг ишлов бериб яратилган қисмидир. «Маданият» ва «маданий борлиқ» тушунчалари синоним тушунчалардир. Моддий ҳаётнинг ядроси моддий маданият, сиёсий ҳаётнинг ядроси сиёсий маданият, ҳуқуқий ҳаётнинг ядроси ҳуқуқий маданият, маънавий ҳаётнинг ядроси маънавий маданият, ижтимоий соҳанинг асосий маданий қисми инсон ва унинг бирликларидир. Уларнинг корреляцион – функционал бирлигидан жамият ядроси – маданий борлиқ

қарор топади. Жамиятнинг тузилиши тўғрисидаги тарихни диалектик маданий тушунишига асосланган мазкур таълимот «Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар» фанининг ижтимоий – фалсафий онтологик асоси бўлиб хизмат қилади.

3. Илгари советлар даврида ижтимоий фалсафанинг марксча – ленинча шакли – тарихий материализмда ўргатилган умумижтимоий қонунлар тўғрисидаги қарашларнинг бугунги кунга келиб чекланганлиги маълум бўлиб қолди. Эндиликда бу чекланган қарашлар миллий ғояларимизнинг ижтимоий – фалсафий асослари бўлиб хизмат қила олмайди.

Диссертациянинг учинчи боби “**Миллий ғоянинг субстанционал ривожланиш ва амал қилиш қонуниятлари**” деб номланган. Бу боб қуйидаги қисмлардан ташкил топган. 3.1 Мамлакат тараққиёти динамикасида миллий ғоя субстанционал ривожланиш қонунларининг синергетик хусусиятлари, 3.2 Миллий ғоя амал қилишининг ижтимоий, моддий-иктисодий ҳаёт субстанционал қонунлари билан боғлиқлиги, 3.3 Миллий ғоя амал қилишининг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий ҳаёт соҳалари субстанционал қонунларига боғлиқлиги деб номланиб, унда миллатнинг ўз – ўзидан ва бошқа халқлар, мамлакатлар билан ўзаро таъсири асосида ривожланишлари жамиятнинг ядроси – маданий борлиққа хос умумий субстанционал қонунлардан келиб чиқганлиги таҳлили баён қилинган. Бу субстанционал қонунлар объектив қонунлар сифатида ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳасида ўзига хос кўринишларда намоён бўлади-ки, улардан миллий ғоянинг ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳасидаги мақсад ва йўналишлари шаклланади. Аммо миллий ғоя мамлакатнинг умумий манфаатларини ифода этар экан, у муайян даражада нисбий мустақилликка – автоном синергетик мақомига эга бўлиб, бу ҳолат унинг ўз субстанционал қонунларидан келиб чиқади. Худди шу субстанционал қонунларнинг мавжудлиги унинг яхлитлиги, барқарорлиги ва амал қилишини белгилайди. «Мафкура кўзга кўринмас иплар билан ижтимоий шахсларни ягона мақсад асосида бирлаштиради». Ижтимоий воқеалик, жумладан ижтимоий ҳодисаларни тарихни диалектик маданий тушуниш ва унинг пировард мақсади – цивилизациян ёндошиш доирасида субстанционал таҳлил қилиш бир бутун жамиятнинг ҳам, ундаги ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ҳам, хусусан миллий ғоянинг шаклланишининг система ташкил этувчи субстанционал элементлари ва қонунларини билишга имкон беради. Шунинг учун ҳам, биринчидан, миллий ғоянинг барча шакллариغا хос интеграцияси яъни ижтимоий – фалсафий мафкурасини тизимлаштириб чиқиш лозим. Иккинчидан, шу асосда миллий ғоянинг система ташкил этувчи олтита субстанционал элементларининг маъно – мазмунларини ойдинлаштириш зарур. Учунчидан, миллий ғоянинг бу субстанционал элементларининг генетик боғланишларидан унинг субстанционал қонунлари ва миллий ғоянинг мантиқий бир бутунлиги келиб чиқади. Бир бутун жамиятга хос субстанционал қонунлар ва жамият, мамлакатнинг ҳар бир асосий соҳаларига хос субстанционал қонунлар билан

мантикий бир бутун миллий ғоянинг субстанционал қонунларининг ўзаро нисбати ва муносабатлари «Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар» фанининг мавзуларини ижтимоий – фалсафий жиҳатдан қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Тарихни диалектик тушуниш доирасида ижтимоий воқеълик, жумладан, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий ҳаёт тармоқларига субстанционал ёндошиш уларнинг ядровий қисмларини жамият даражасидаги сиёсий, ҳуқуқий, маънавий маданиятлар, жумладан, ахлоқий, эстетик, диний ва бошқалар ташкил этганлиги миллий ғоялар, жумладан, миллий сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик ғояларда акс этиши лозим. Ижтимоий ҳаётнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларининг негизлари маданий қисмлар экан, уларни система сифатида шакллантирувчи субстанционал элементлар ва уларнинг генетик боғланишларидан уларнинг механизми, манбаи ва йўналганлигини ташкил этувчи субстанционал қонунлар миллий ғоя, жумладан, миллий сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа шу каби ғояларда акс этмас экан, уларнинг илмийлиги, самарадорлиги – акс таъсири сусаяди. Ушбу боб юзасидан қўйидаги хулосаларга келдик:

- Миллий ғояларда жамиятнинг ижтимоий соҳаси – инсон ва унинг микро ва макробирликлари, мамлакатнинг ижтимоий – синфий, демографик ва шаҳар – қишлоққа оид тузилишлари, мамлакат аҳолисининг касбий тузилиши ва турмуш маданиятлари, тиббиёт ва сифат каби соҳалари акс этиши ва «Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар» фанининг «Миллат ва миллий ғоя» мавзусига «Жамиятнинг ижтимоий соҳаси ва миллий ғоянинг мақсад ва вазибалари» рукнида саволчалар тарзида киритилиши лозим.

- Хўжалик маданияти технологик ва иқтисодий маданиятларнинг бир бутунликдан иборат бўлиб, бу қонуниятли бир бутунликни унинг ўзига хос система ташкил этувчи субстанционал элементлари ва уларнинг генетик боғланишларидан келиб чиқадиган субстанционал қонунлари ташкил этади. Бу субстанционал қонунлар мамлакат хўжалиги ҳаёти механизми, манбаи ва диалектик йўналишларини ташкил этади. Миллий ғоя, жумладан, миллий иқтисодий ғоялар ушбу хўжалик ҳаётининг ядроси – хўжалик маданиятига хос юқорида таҳлил қилинган субстанционал қонунлар тўғрисидаги ижтимоий – фалсафий таълимот билан қуролланмас экан, тўлақонли равишда илмий бўла олмайди ва жамиятнинг иқтисодий ривожланиши учун ғносеологик асос бўла олмайди.

- Жамиятнинг сиёсий маданияти мамлакат даражасидаги ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари бўйича тақозо қилинадиган бошқаришга бўлган эҳтиёжларни қондириш мақсадида сиёсий ҳаётнинг ишлов бериб яратилган қисмидир, сиёсий ҳаётнинг асосий, ядровий ва белгиловчи қисмидир. Жамият ҳуқуқий маданияти ҳам худди шундайин ижтимоий муносабатлардаги тенглик, адолат ва эркинлик моментларини кафолатлаш мақсадида ҳуқуқий ҳаётнинг ишлов бериб яратилган қисмидир. Ҳуқуқий ҳаётнинг асосий, ядровий ва белгиловчи қисмидир. Миллий ғоя, жумладан,

миллий сиёсий ғоя ва миллий ҳуқуқий ғояларда ушбу объектив ҳолат биринчи даражали методологик тамойил сифатида акс этиши керак.

- Жамият сиёсий маданиятининг ички субстанционал структуравий алоқадорликларидан сиёсий борлиқ, яъни сиёсий ҳаётнинг механизми, манбаи ва йўналишини ташкил этувчи миллий ғоя, жумладан, субстанционал қонунлари келиб чиқган-ки, уларни миллий сиёсий ғояларда инобатга олиб боради. Худди шундайин, жамият ҳуқуқий маданияти негизида келиб чиқадиган субстанционал қонунлар ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳам ҳуқуқий борлиқнинг механизми, манбаи ва йўналишини ташкил этади. Миллий ғоя, жумладан, миллий ҳуқуқий ғояларда уларни ҳисобга олмаслик ҳам назарий чекланишларга олиб боради.

- Жамиятнинг маънавий ҳаёти ядроси – маънавий маданият ахлоқий, эстетик, илмий, диний маданиятлар, таълим – тарбия ва оммавий ахборот тизимларидан иборат бўлиб, уларнинг ўқ илдизини инсон онгига таъсир этиш ташкил этади. Ва уларнинг ҳар қайсисига хос субстанционал қонунлар ҳам мавжуд бўлиб, улар миллий ғоя, жумладан, миллий ахлоқий ғоя, миллий эстетик ғоя ва бошқа таълимот, ғоялар орқали жамиятнинг маънавий ҳаёти, яъни борлиғининг механизми, манбаи ва йўналишлари кўрсатиб берилади.

- Жамиятнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий ҳаётлари ҳар бир цивилизация, яъни ўз фуқаролари ва давлатига эга мамлакатларда ўзига хос ҳолда юз беради. Жумладан, мамлакатимизда сиёсий борлиқ соҳасида, давлатнинг бош ислохотчилиги роли сақланган ҳолда, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари, ҳуқуқ тизими соҳасида либераллаштириш тенденциялари кетмоқда.

Албатта, бу жараёнларнинг негизида гносеологик асос сифатида миллий ғоя ва унинг шаклларининг ўрни бор. Аммо бу объектив ҳолатларга миллий ғояларда таяниш уларнинг илмийлигини, ҳаққонийлигини ва самарадорлигини оширади.

Унда хулосага келинганки, ҳозирги кунда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида яратилган 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси Ватанимизнинг замонавий тарихини, жамиятимизнинг тараққиёт босқичлари, бугунги кундаги устувор вазифалар моҳияти ва мазмунини чуқур ўрганиш, ушбу миллий тажрибанинг ўзига хос хусусиятлари ва замонавий имкониятларини янада яққолроқ англашда, ҳеч шубҳасиз, мустаҳкам назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Диссертация ниҳоясида юқоридаги масалаларнинг ечимларига доир хулоса ва таклифлар баён қилинган.

ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида миллий ғоянинг шаклланиши ривожланиши ва амал қилиш қонуниятлари назарияси ва амалиёти билан боғлиқ масалаларни ўрганиш қуйидаги хулоса ва таклифларга келиш имконини берди:

1. Миллий мафкура ҳам миллий иқтисодий, миллий сиёсий, миллий ҳуқуқий, миллий фалсафий, миллий ахлоқий, миллий эстетик каби ижтимоий – гуманитар фанлар орқали бериладиган ғоялар тизимидан иборат бўлиб, улар ичида фалсафий, жумладан, ижтимоий – фалсафий ғоялар белгиловчилик характериға эгадир. Чунки ижтимоий фалсафада жамиятнинг тузилиши, умумижтимоий қонунлари ва ҳаракатлантирувчи кучлари ўрганилади. «Миллий ғоя» ўқув курси эса ижтимоий фалсафанинг давоми сифатидаги фан ва мамлакат ижтимоий фалсафаси бўлиши керак.

2. «Миллий ғоя» ўқув курси илмий бўлиши, яъни фан бўлиши учун ижтимоий воқеаликни идеалистик ва сўнгра материалистик тушунишдан холи бўлиши керак. Лекин ҳозирги кунда ижтимоий – гуманитар фанлар соҳасидаги бир қатор илмий изланишларда ижтимоий воқеълик, яъни тарихни – материалистик тушуниш ва унинг қоидалари тилға олинмаса-да, унга лом-лим демасдан таянилмоқда. Аммо биз шаклланаётган, монографияларда, тадқиқот ишларида баён қилинган ижтимоий – фалсафий онтологик ва диалектик таълимотларға таяниш ва уни «Миллий ғоя» фанининг методологик асоси сифатида фойдаландик.

3. Фалсафа фани бўйича мустақиллик йилларида нашр этилган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг аксариятида миллий ғоянинг предмети ва умумижтимоий қонунлари баён қилинмаган.

4. Бу борада «Ижтимоий фалсафанинг предмети», «Маданий борлик (яъни маданият) – жамият мавжудлиги ва тараққиётининг асоси» каби биринчи тартибдаги мавзуларни ўқув дастуриға киритиш лозим.

5. Ижтимоий фалсафа фаниға таянган ҳолда «Миллий ғоя» фанини мамлакатимизнинг ижтимоий фалсафаси сифатида ижтимоий онтология ва ижтимоий диалектика асосида қайта кўриб чиқиш зарур.

6. Миллий ғоя турли хил шаклларда – иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий ва бошқа шаклларда ифодаланар экан, уларни ижтимоий – фалсафий интеграциялаш, умумлаштиришда «Ватан», «ватанпарварлик», «мамлакат манфаатлари» ғоялари миллий ғоянинг марказий қисмини ташкил этиши керак. Шундагина, «Миллий ғоя» фани, бир томондан «Фалсафа» ва «Ижтимоий фалсафа» фанлариға методологик асос сифатида таянса, иккинчи томондан бошқа гуманитар фанлар учун дунёқараш ва гносеологик асос вазифасини ўтайди.

7. Ижтимоий – фалсафий онтологияда жамиятнинг структураси, хусусан унинг тўртта асосий соҳаларининг тузилиши тўғрисида фикр юритилади. Аммо ижтимоий ҳаётнинг ижтимоий, моддий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий соҳаларининг негизида маданийлик ётади. Жамиятнинг тузилиши ана шу

маданийликка боғлиқ. Бу маданий қисмларнинг корреляцион – функционал бирлигидан жамиятнинг маданий борлиги келиб чиқади. Ушбу объектив ҳолатнинг фалсафа фанига оид дарслик, ўқув қўлланмаларида берилмаганлиги «Миллий ғоя» фанининг ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳаси бўйича мақсад ва вазифаларини белгилашда қийинчилик туғдирмоқда.

8. Тарихий материализмда ижтимоий тараққиётда ишлаб чиқариш усулининг белгиловчилик роли қонуни, иқтисодий базиснинг устқурмага нисбатан белгиловчилик роли қонуни, ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқариш кучлари характери ва даражасига мувофиқ келиши қонуни, ижтимоий борлиқнинг ижтимоий онгни белгилаб келиши қонунининг марксча – ленинча талқини, синфий кураш, ижтимоий революция каби қонунлар ўқитилар эди. Эндиликда бу ҳақдаги марксча қарашларнинг чекланганлиги маълум бўлиб қолди. Улардан социалистик ғоялар келтириб чиқарилган эди. Шунинг учун ҳам улар мамлакатимиз аҳолиси манфаатларини ифодаловчи миллий ғоямизнинг ижтимоий – фалсафий методологик асоси бўлиб хизмат қила олмайди.

9. Ижтимоий тараққиётда субъектларнинг белгиловчилик роли қонуни ва бошқа корреляцион – функционал қонунлар, жамият тараққиётининг субстанционал қонунлари ёритилди, ижтимоий борлиқнинг ижтимоий онгни белгилаб келишининг янги концепцияси берилди, ижтимоий ҳаётнинг моддий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий соҳаларига хос система ташкил этувчи субстанционал элементлари ва қонунлари кўрсатилди. Бугунги кунга келиб бу умумижтимоий қонунлар тўғрисидаги таълимотлар миллий ғояларимизнинг ижтимоий диалектик асосларидан бўлиб хизмат қилади.

10. «Фалсафа» ва «Миллий ғоя» фанлари бўйича мустақиллик даврида мамлакатимизда чоп этилган дарслик ва ўқув қўлланмаларида мафқуранинг ижтимоий онг тизимида тутган ўрни тўғрисидаги ижтимоий – фалсафий онтологик таълимот берилмаган. Бу камчиликни ҳам тўлдириш лозимдир.

11. «Фалсафа» фанига оид мамлакатимизда чоп этилган дарслик ва ўқув қўлланмаларида ҳануз миллатга берилган тор доирада тушунилган таъриф – тавсиф сақланиб қолмоқда. Миллатнинг томонлари унинг белгилари сифатида ва алоҳида жамият – мамлакатнинг соҳалари сифатида аниқланган. Аммо монографик тадқиқот ишларида берилган бу янгиликлар дарсликларга кўчмаган. Бу ҳолат миллий ғояларимизнинг ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳалари бўйича мақсад ва вазифаларини асослашда қийинчилик туғдиради.

Миллий ғоя амал қилиш қонуниятларининг ижтимоий фалсафий таҳлили натижасида қўйидаги таклиф ва тавсияларга келдик:

1. Миллатлараро тотувликни сақлаш ва ривожлантириш мақсадида мамлакатимизнинг ички ҳаётида қўйидаги амалий ғоя – тадбирларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

а). Микромиллат даражасида: а). Маҳаллий миллат (қозоқ, тожик, туркман ва бошқалардан иборат) оилаларни маънавий рағбатлантириш

лозим. б). Меҳнат жамоаларидан кичик миллат вакилларига нисбатан соғлом маънавий муносабатларни кучайтириш зарур.

б). Макромиллат даражасида: а). Бир неча миллат вакиллари компакт бўлган жойларда соғлом муҳитни кучайтириш, бу жойларда миллий масала бўйича турли миллат вакилларидан иборат оқсоқоллар кенгашини тузиш лозим, деб ўйлаймиз. б). Бу жараёнларда қозоқ, тожик, туркман ёки қирғиз тилларини ўрганишни ташкил этиш ва миллий – маданий марказларни фаолиятини кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

2. Миллий ғоянинг ҳам ўзига хос система ташкил этувчи субстанционал элементлари ва унга субстанционал қонунлари мавжудки, уларсиз миллий ғояларимиз мантикий бир бутунлик касб этмайди.

3. Жамият мавжудлиги ва ривожланишининг субстанционал қонунлари, жамиятнинг асосий соҳаларининг субстанционал қонунлари ва миллий ғоянинг субстанционал қонунларининг ўзаро муносабат масаласи миллий ғояларни тадқиқ қилиш соҳасидаги навбатдаги тадқиқот вазифасидир.

4. Биз «Миллий ғоя» фани бўйича мавзулар ва ҳар бир мавзуга оид масалаларни ижтимоий фалсафанинг давоми сифатида қуйидагича туздик:

1-мавзу. «Миллий ғоя» фанининг предмети ва методологик асослари; 2-мавзу. «Миллий истиқлол ғояларининг эволюцияси»; 3-мавзу. «Миллат ва миллий ғоялар»; 4-мавзу. «Миллий ғоянинг жамиятнинг сиёсий ҳаёти соҳасида мақсад ва йўналишлари»; 5-мавзу. «Миллий ғоянинг жамиятнинг ҳуқуқий ҳаёти соҳасидаги мақсад ва йўналишлари»; 6-мавзу. «Миллий ғоянинг жамиятнинг хўжалик ҳаёти соҳасидаги мақсад йўналишлари»; 7-мавзу. «Миллий ғоянинг жамиятнинг ахлоқий ҳаёти соҳасидаги мақсад ва йўналишлари»; 8-мавзу. «Миллий ғоянинг жамиятнинг эстетик ҳаёти соҳасидаги мақсад ва йўналишлари»; 9-мавзу. «Миллий ғоянинг жамиятнинг диний ҳаёти соҳасидаги мақсад ва йўналишлари»; 10-мавзу. «Фан ва миллий ғоялар ўзаро таъсири»; 11-мавзу. «Таълим тарбия тизими ва миллий ғоя»; 12-мавзу. «Оммавий ахборот воситалари тизими ва миллий ғоя»; 13-мавзу. «Дунёнинг мафкуравий манзараси ва миллий ғоя»; 14-мавзу. «Миллий ғояни ҳаётга тадбиқ этиш йўллари».

5. Жамият – мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаёти соҳаси ҳам ўзига хос тузилишга эга бўлиб, улар миллий ижтимоий ғоялар орқали мақсад ва вазифалари ила тўлиқ акс этиши керак-ки, бу илмий ғоявий ҳолат ўз навбатида давлатнинг қишлоқдаги сиёсати, демографик сиёсат, ёшлар тўғрисидаги сиёсат каби амалий хатти – ҳаракатлар учун дастурил–амал бўлиб хизмат қилади.

6. Миллий ғоя, жумладан, миллий иқтисодий ғояларнинг иқтисодий ҳаёт соҳасидаги мақсад ва вазифалари мамлакатнинг хўжалик ҳаёти соҳасидаги субстанционал қонунларга боғлиқ ҳолда шаклланиши лозим.

7. Миллий ғоя, жумладан, миллий сиёсий ғояларнинг сиёсий ҳаёт соҳасидаги мақсад ва вазифалари мамлакатимизнинг сиёсий ҳаёти соҳасидаги субстанционал қонунларига боғлиқ ҳолда шаклланиши лозим.

8. Миллий ғоя, жумладан, миллий ҳуқуқий ғояларнинг ҳуқуқий ҳаёт соҳасидаги мақсад ва вазифалари мамлакатимизнинг ҳуқуқий ҳаёт соҳасидаги субстанционал қонунларига боғлиқ ҳолда шаклланиши лозим.

9. Миллий ғоя, жумладан, миллий ахлоқий, миллий эстетик ва бошқа маънавий ҳаёт соҳаларини акс эттирувчи ғоялар ҳам мамлакатимиз маънавий ҳаётининг ҳар бир тармоқларига оид субстанционал қонунларга таянгандагина илмий тус олади ва шу соҳалардаги фаолият турлари учун гносеологик асос бўлиб хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ № DSc.03/30.12.2019.F.02.02 ДАЮЩИЙ УЧЁНУЮ
СТЕПЕНЬ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ДЖИЗАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

АХМЕДОВ ИЖОД НАРЗИКУЛ УГЛИ

**СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ЗАКОНАМЕРНОСТЕЙ
ФОРМИРОВАНИЯ, РАЗВИТИЯ И ДЕЙСТВИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ
ИДЕИ (НА ПРИМЕРЕ УЗБЕКИСТАНА)**

09.00.04 – Социальная философия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована по номером В2017.2.PhD/Fal58 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Джизакском государственном педагогическом институте.
Автореферат диссертации размещен на трёх языках (русском, узбекском, английском (резюме)) на веб-странице (www.samdu.uz) Научного совета и на Информационно-образовательном портале Ziyonet (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Абилов Урал Мурадович доктор философских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Мухтаров Азамат Мухтарович доктор философских наук, профессор Негматова Шахзода Шухратовна доктор философских наук (DSc), доцент
Ведущая организация:	Ташкентская медицинская Академия

Защита диссертации состоится на заседании научного совета № DSc.03/30.12.2019.F.02.02 дающий ученую степень доктора наук при Самаркандском Государственном университете _____ часов “_____” _____ 2020 года. (Адрес: 140104, г.Самарканд, проспект Университетский, дом 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; fax: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz факультет истории Самаркандского Государственного университета, 1-этаж, 105-комната).

С диссертацией можно ознакомиться в Центре информационных ресурсов Самаркандского Государственного университета (зарегистрирована под № _____). (Адрес: 140104, г.Самарканд, проспект Университетский, дом 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; fax: (8366) 239-11-40)

Автореферат диссертации распространен “_____” _____ 2020 года.
(протокол реестра под номером _____ от «_____» _____ 2020__ года).

С.К.Каримов
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, профессор

Х.А.Джуракулов
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD) по филос. н.

С.А.Чориев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Определённые идеи и идеологии влияли на развитие существующих в мире народов и наций. На сегодняшний день эти идеи и идеологии вместе с положительными изменениями создают противоречивые, конфликтогенные факторы. Поэтому для неуглубления отрицательных особенностей, осуществления национально-этнической интеграции, нормализации социального положения в полиэтнических обществах, обеспечения межнационального согласия актуальное значение приобретает анализ вопросов усиление роли национальной идеи как правовой системы.

Из исторического развития мира известно, что все социально-экономические, политико-правовые, духовно-просветительские процессы, происходящие в современном мире, будь то позитивные или негативные, осуществляются под лозунгом национальной идеи, основанной на национальных интересах страны. В связи с этим выдвигаются различные теории развития национальной идеи. В частности, продвижение национальных идей, национальных тенденций к повышению, усиление конструктивного влияния национальной идеи и так далее. Поэтому необходимо изучить детерминистские или индетерминистские отношения национальной идеи в воздействии на развитие общества, а также функциональную интеграцию диалектических и синергетических связей как легитимного процесса.

Сегодня в нашей стране одним из важных приоритетов является дальнейшее повышение эффективности национальной идеи, просвещение населения, особенно молодежи, в национальном духе, привитие национальной идеи в их умах и сердцах, и в этом направлении ведется значительная работа. «Нам нужна сильная национальная идея, национальная программа технологического развития Узбекистана. Эта программа должна позволить Узбекистану в кратчайшие сроки стать одной из самых развитых стран в мире»¹. С этой точки зрения важно и далее укреплять и развивать теоретические и фундаментальные основы законов формирования, развития и применения национальной идеи в нашей стране.

Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы», №Ф-5465 от 8 апреля 2019 года «Развитие национальной идеи на новом этапе развития Узбекистана» Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 31 декабря 2019 года «О мерах по разработке концепции непрерывного духовного образования» Это диссертационное исследование в определенной степени способствует выполнению задач, изложенных в Постановлении №1059 «Об

¹. Каранг: Мирзиёев Ш.М. Халкимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баходир. II жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. -116-бет.

утверждении и мерах по его реализации» и других нормативных актах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Настоящее исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы социальных, правовых, экономических, инновационных идей информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

